

Тошкент давлат юридик институти

“Жиноят-процессуал ҳуқуқи” кафедраси

КУРС ИШИ

Мавзу: Жиноят иши бўйича тергов ва одил судлов
манфаатлари учун жамоатчилик иштироки

Бажарди: 3-ҳуқуқ “3-курс “Б” поток

1-гуруҳ талабаси

Мансурова Ф.

Тошкент 2011

РЕЖА:

1. Жиноят ишини юритишга кўмаклашиш учун жамоатчиликнинг жалб қилиниши
2. Жиноят процессида холисларнинг иштироки
3. Одил судловни амалга оширишда жамоатчиликнинг иштироки

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

К и р и ш

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки даврданоқ ўз олдига асосий мақсад қилиб, ижтимоий макон сифатида тушуниладиган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлаган эди ва шу мақсадда собитқадам ҳаракат қилмоқда.

Мустабид тузум даврининг тоталитар тизимидан Ўзбекистонга нафақат бир томонлама ривожланган, гипертрофияга учраган иқтисодиёт, бошқарувнинг маъмурий - буйруқбозлик тизими, қарор қабул қилишда мус-тақилликнинг йўқлиги, балки энг ачинарлиси, шахс ҳуқуқларидан давлат манфаатларини устун ҳисобловчи суд-ҳуқуқ соҳаси ҳам мерос бўлиб қолди. Демократиянинг, фуқаролик жамияти моҳиятининг асосий белгиларидан бири бўлган ушбу соҳа жадал ва туб ўзгаришлар, ислохотлар ўтказишни тақозо этди. Зеро, "қонун устиворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқийонгини ошириш, қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида фуқароларни тарбиялаш - бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти куришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, муҳим шарт ҳисобланади"¹.

Жамоатчилик институти азалдан жиноят процессида алоҳида, муҳим ўрин тутди. Шу сабабдан ҳам жамоатчилик вакилларининг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, ҳуқуқий онгини оширишда, қолаверса ислохотлар давридаги роли муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, ислохотдан мақсад ривожланган демократик жамият барпо этишдир. Бундай жараёнда жамиятдаги ҳар бир ҳуқуқий институт айнан шу ягона мақсадга қаратилган ўз концепциясига эга бўлмоғи лозим.

Демак, шу ўринда жиноят процессида жамоатчилик институтини ҳам янада ривожлантириш унинг ўзига хос концепциясига эга бўлишини тақозо этади. Айниқса ҳозирги вақтда жамоатчилик вакилларининг жиноят процессидаги фаол

¹ Президент Каримов И.Анинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида "Адолат — қонун устиворлигида" мавзuida қилган маърузаси. "Халқ сўзи". 2001 йил 30 - август.

иштироки жиноятчиликка қарши курашда ўзининг ижобий самарасини намоён этади, чунки ўзаро ҳамкорликда жиноятларни тез ва тўла очиш, барча айбдорларни фош этиш ва уларга адолатли жазо тайинлаш, энг асосийси, жиноят содир этилишига олиб келган сабаб ҳамда шарт - шароитларни бартараф этиш мумкин.

Шу муносабат билан жиноят процессида иштирок этувчи жамоатчилик вакиллари фаолиятининг сифатини ва маданиятини ошириш, шунингдек, фуқароларни қонунларга қатъий риоя этиш меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, шахс ҳуқуқ ва кадр қимматини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган чораларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Жиноят ишини юритишга кўмаклашиш учун жамоатчиликнинг жалб қилиниши

Жиноят ишларининг барча босқичларида ҳам жамоатчиликнинг иштирокидан ва кўмакидан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 21-моддасида жамоатчилик иштирокига ҳуқуқий асос бўлувчи “Жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки” принципи белгиланган. Бундан ташқари, жиноят-процессуал конуннинг 349-моддасида дастлабки терговнинг умумий қоидалари сифатида дастлабки терговда жамоатчиликнинг иштироки белгиланган. Мазкур моддада “*Терговчи жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун жамоатчиликни жалб қилишга ҳақлидир. Шу мақсадда у жамоат бирлашмаларига, жамоаларга, аҳолига жиноят иши учун аҳамиятга молик маълумотлар ҳақида хабар қилишни, қидириладиган шахслар ёки нарсалар турган жойни кўрсатишни сўраб мурожаат қилади.*

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар терговчининг илтимосига кўра, айрим тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун ўз ораларидан холислар, таржимонлар, мутахассисларни тавсия қилишлари мумкин. Жамоатчилик вакиллари бўлмиш холисларга, таржимонларга, мутахассисларга нисбатан ушбу Кодекснинг тегишли процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қоидалари тўлиқ татбиқ этилади” дейилган.

Мазкур моддада фақат дастлабки тергов жараёнида жамоатчиликни сафарбар қилиш ҳақида сўз юритилган. Терговчи жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун жамоатчиликни жалб қилишга ҳақли. Терговчи жиноятчилик билан курашишни, жиноятларни очишни ёлғиз ўзи амалга ошириши амри маҳол. У албатта жамоатчиликнинг кучига таянади. Амалиётда бундай ҳолатлар кўп юз берганига гувоҳ бўлганмиз.

Дастлабки терговда жамоатчиликнинг иштироки тушунчаси, ундан кенгрок бўлган жамоатчиликнинг жиноятчиликка қарши курашдаги иштироки тушунчасидан, келиб чиққан. Чунки абдорларни фош этиш ва жиноятларни ўз вақтида тўла ва холисона ҳал қилиш жиноят процесс доирасида фаолият бўлса,

жиноятчиликка қарши кураш жиноятларни умумижтимоий ва махсус ижтимоий чоралар билан олдини олишга қаратилган ҳаракатлардир.

Жиноятчиликка қарши курашишда фақат жиноят- процессуал чоралар билан фойдаланиш кўп ҳолларда натижа бермайди. Чунки жиноят фуқаролар орасида ёки фуқаролар иштирокида содир этилади. Жиноятни содир этишга гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахслар ёки жиноят содир этган ва ҳали жалб қилинмаган шахслар жавобгарликдан ҳам айнан фуқароларга яқин жойларга яширинганадилар. Шунинг учун ҳам жиноятларни тергов қилишда уларнинг ўрни бекиёсдир.

Жиноятларни очиш ва айбдорларни фош қилишда жамоатчиликни жалб қилиш криминалистик ёки тезкор қидирув хусусиятга ҳам эга. Бу масалани криминалистик ёки тезкор қидирув фаолияти деб, жиноят процесси доирасида ўрганмаслик нотўғридир.

Жиноятларни очишда жамоатчилар ёки фуқароларнинг кучидан фойдаланишнинг амалий натижаси фақат терговчига боғлиқ эмас. Бунда фуқароларнинг фаоллиги ҳам инобатга олинishi керак.

Фуқароларнинг жиноят бўйича ҳақиқатни тиклаш ва одил судлов самарадорлигини тامينлаш борасида терговчига кўмаклашишига 3 хил омил таъсир этади. Булар: 1) жиноятга бўлган муносабатдир; 2) тергов органлирига ва судга бўлган муносабат; 3) жамоатчилар иштироки сифатида жалб қилинадиган фуқаронинг шахси ва ўзининг процессдаги иштирокига берган баҳоси.²

Умуман жиноятчиликка бўлган муносабат аксарият инсонларда салбийдир. Жиноятчилик, деган иллатдан кўпчилик хазар қилишади. Бироқ криминалистик турланишга кўра алоҳида тофидаги жиноятлар борки уларни тергов қилишда жамоатчи алоҳининг жалб қилиниши терговчидан эътиборни талаб қилади. Шундай жиноятлар борки, уларни тергов қилишда жамоатчиликнинг жисмоний кучидан фойдаланиш ёки нопроцессуал суриштирув (албатта, қонунларга зид бўлмаган қонунларга) ишларини амалга ошириш учун холислар ёки жамоатчилик томонидан номзоди тақдим қилинган экспрет ёки мутахассислар иштирок

² Томин В.М. Избранные труды. –СПб., «Юридический центр Пресс», 2004. 63-б.

этишига рухсат буриш терговчидан алоҳида эътиборни талаб қилади. Мисол учун давлат сири билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ва нарсалар билан танишишга рухсат берилган шахслар таклиф қилиниши керак (ЎЗР ЖПК, 89-модда, учинчи қисм). Инсоннинг шахсий сирлари билан боғлиқ ҳолатларда ёки вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятларни тергов қилишда жамоатчилик асосида иштирок этаётганларни керагидан ортиқча кўпайтириш тўғри эмас ва бошқалар.

Тергов органлирига бўлган муносабат жамоатчиликнинг иштирок этишга ундайдиган омил ҳисобланади. Айрим ҳолларда терговчилар томонидан йўл қўйиладиган камчиликлардан бири фуқаролар билан мулоқотларда муоамала маданиятига амал қилинмаслиги ҳисобланади. Жамоатчилик иштироки, терговчи учун далил манбаи ва кўмаклашувчи шахс ҳисобланади. Улар билан яхши муомалада бўлиш ишнинг осон ва тезда очилишига олиб келади, акс ҳолда бошқа оғир оқибатлар юз бериши мумкин. Жамоатчилик тергов органлирига ишонса, улар томонидан хавфсизлик ва раҳбатлантириш чораларининг кўрилиши кўзи етса жиноятнинг очилишига жонбозлик кўрсатади. Жамоатчиликнинг айнан бир терговчи ёки тергов органлирига салбий муносабатда бўлиши, жавобгарлик чоралари белгиланганига қарамасдан, улар томонидан фидоийлик кўрсатилмасликка етадидир.

Терговга жамоатчилар иштироки сифатида жалб қилинадиган фуқаронинг шахси ва ўзининг процессдаги иштирокига берган баҳоси терговчи учун эътиборга олинадиган ҳолатдир. Инсонлар хоҳлайсизми, йўқми муайян дорига бирлашади. Инсонларнинг у ёки бу манфаатлари бир-бирлари билан бирлаштиради, манфаатдор шериклар ўзаро ёрдамга асосланади. Уюшган жиноятларни тергов қилишда жамоатчи сифатида жалб қилинадиган фуқарорлар шу гуруҳ манфаатлари ҳимоя қиладиган шахслар бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас. Жамоатчилик иштирокининг асос –ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг бирлигидир.³ Жамоат чифатида иштирок этаётган шахс ўз шахсий манфаатлари туфайли ўз иштирокини тўли қижобий деб баҳолаганида терговчи фаолиятига чин

³ Томин В.М. Избранные труды. –СПб., «Юридический центр Пресс», 2004. 56-б.

кўнгилдан кўмаклашади. Жалб қилинаётган жамоатчилик иштирокини шундай танлаш керакки, улар жиноятни тергов қилиш ва ҳал қилишда манфаатдор бўлмасликлари керак.

Мисол учун виждон ва дин эркинлиги билан боғлиқ жиноятларни, давлатга қарши жиноятларни тергов қилишда олдин шундай жиноятларни содир қилмаган ёки қариндош-уруғи томонидан содир этилмаган ва давлат сиёсатига хайрихоҳ бўлган шахслар жамоатчилик иштироки асосида жалб қилиниши керак. Жиноятни тергов қилишда жалб қилинаётган жамоатчилик шахси, келиб чиқиши, психологияси ўрганиб чиқилса, фойдадан холи бўлмайди.

Жалб қилинаётган жамоатчи иштирокчи ўзига ишонч билан ҳаракат қиладиган шахс бўлиши керак. У ўзига ишонмаган ҳолда ҳаракат қилмаслиги иши иш ҳолатларини тўлиқ ўзлаштирисмаслигига ва бунинг оқибатида улар иштирокининг аҳамиятсизлигига сабаб бўлади.

Дастлабки терговда жамоатчиликнинг иштирокида терговчи жиноятларни очиш, уни содир қилишда айбдор бўлган шахсларни аниқлашда жамоат бирлашмаларига ёки бевосита фуқарога кўнгиллик асосида иштирок этишини сўраб муражаат қилади.

Фуқароларни дастлабки терговда муайян тергов ёки процессал ҳаракатни бажариш учун жал қилинишини муҳим шарти улар бирор процессуал иштирокчи мақомида бўлиши керак, деган фикрлар ҳам мавжуд⁴. Аммо шундай ҳолатлар борки, шу пайтларда жиноятни очиш учун кўмаклашган жамоатчи шахснинг процессуал мавқеи қонунда белгиланган. Мисол учун таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишда таниб олинувчи шахс олдида турган шахсларни процессуал номланиши қонунларда мавжуд эмас. Уларни назарияда статистлар, деб аташади.⁵ Шунинг учун ҳам дастлабки терговда фақат муайян иштирокчи мақомидаги фуқаролар иштирок этади дейиш нотўғрироқ.

Терговчи жамоатчилик иштирокининг кўмагига эришиш мақсадида оммавий тадбирларда чиқишлар билан, оммавий ахбарот мурожаат қилиши мумкин.

⁴ Научно-практический комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу РСФСР. Изд. 3-е, Перераб. и доп. –М.: Спарк, 2000. 275-бет.

⁵ Қўшаев Н.М., Файзиёв Ш.Ф. Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари. Ўқув қўлланма /ю.ф.н. доц. З.Ф. Иноғомжонованинг таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. 148 бет

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар терговчининг илтимосига кўра, айрим тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун ўз ораларидан холислар, таржимонлар, мутахассисларни тавсия қилишлари мумкин. Уларнинг бундай таклифлари терговчи томонидан кўриб чиқилади. Лозим топса, улар таклиф этган шахсларни холислар, таржимонлар, мутахассислар сифатида процессуал ёки тергов ҳаракатларини амалга оширишга жалб қилади.

Жамоатчилик вакиллари бўлмиш холисларга, таржимонларга, мутахассисларга нисбатан Жиноят-процессуал кодексининг тегишли процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қоидалари тўлиқ татбиқ этилади. Жамоатчилик томонидан таклиф этилган холислар, таржимонлар, мутахассислар терговчи ташаббуси билан жалб қилинган холислар, таржимонлар, мутахассислар билан бир хил мавқега ва жавобгарликка эга бўлади.

Жамоатчиликнинг ишни судга қадар юритиш босқичидаги иштироки хусусидаги қоидалар бир кўринишидан тўла-тўқисдек туюлади. Лекин жиноят ишларини юритиш жараёни фақат дастлаб терговдан иборат эмас. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳафви катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳам амалга оширилади. Суриштирувчилар жиноятларнинг иссиқ изларини мустаҳкамлаш мақсадида “оддий алоҳига яқинроқ” шахслардир. Улар фаолиятида нопроцессуал ҳаракатлар ёки процессуал иштирокчи мақомига эга бўлмаган шахслар билан муносабат мавжуд бўлади. Суд ҳам жамоатчиликнинг иштирокига таянади. Терговчининг жамоатчилик билан муносабатда бўлиш борасида юқорида айтилган қоидалар суриштирувчи, прокурор ва судга ҳам, уларнинг ваколатлари дорасида тadbиқ қилинади.

Шунинг учун ҳам дастлабки терговнинг умумий шарти сифатида жамоатчилик иштирокини алоҳида қоида сифатида кўрсатишнинг ҳеч ҳам кераги йўқ. Қонундаги ортиқча такрорланишнинг олдини олиш мақсадида ва суриштирувчи, прокурор ва суднинг жамоатчилик кўмагидан фойдаланиш фаолиятини қонунийлаштириш учун Жиноят-процессуал кодексининг 349-моддасинини чиқариб ташлаб, кодекснинг 21-моддасининг биринчи қисмидан кейин қуйидагича иккинчи ва учинчи қисмлар қўшилиши мақсадга мувофиқ:

“Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун жамоатчиликни жалб қилиш мақсадида жамоат бирлашмаларига, жамоаларга, аҳолига жиноят иши учун аҳамиятга молик маълумотлар ҳақида хабар қилишни, қидирилаётган шахслар ёки нарсалар турган жойни кўрсатишни сўраб мурожаат қилади.

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар терговчининг илтимосига кўра, айрим тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун ўз ораларидан холислар, таржимонлар, мутахассисларни тавсия қилишлари мумкин. Жамоатчилик вакиллари бўлмиш холисларга, таржимонларга, мутахассисларга нисбатан ушбу Кодекснинг тегишли процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қоидалари тўлиқ татбиқ этилади”.

Шунда мазкур моддасининг иккинчи қисми тўртинчи қисм деб эътироф этилади.

2. Жиноят процессида холисларнинг иштироки

Жинот ишларини юритишда иштирок этадиган шахслардан бири бўлган холислар ўз вазифалари билан жиноят ишини юритишга кўмаклашувчи шахслар ҳисобланади. Улар жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун жалб қилинадиган ва процесснинг натижасидан манфаатларга эга бўлмаган шунингдек, бирор касбий вазифани бажармайдиган қатнашчилардир. Жиноят процесси иштирокчиларини таснифлашда холислар қайси тоифадаги иштирокчиларга тааллуқлилиги хусусида турли хил муносабатни кузатиш мумкин. Кўплаб адабиётларда холислар жиноят судлов ишларининг самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи ёрдам берувчи иштирокчилар тоифасига киритилади.⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида жиноят процесси иштирокчиларини таснифлаб алоҳида бобларда жойлаштиришда холислар бошқа шахслар тоифасига киритилган (6-боб). Бундай иштирокчиларнинг “бошқа”лиги шундаги, улар на жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор органлар ва мансабдор шахслар (3-боб); на жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамолар ва уларнинг вакиллари (4-боб); на жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, ҳимоячилар ва вакиллар (5-боб) қаторидан ўрин олганлар. Кўриниб турибдики, улар кўмаклашувчи шахслар сирасига киритилган

Назарияда холисларнинг иштирокига жамоатчилик иштирокининг бир шакли сифатида ҳам қаралади⁷. Жиноят процессида холисларни икки тоифадаги иштирокчиларга мансублиги бири-бирини инкор этмайди, аксинча тўлдиради. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, жиноят процессида холислар жиноят ишларини ёритишга кўмаклашувчи жамоатчи иштирокчидир.

Жиноят процессида холислар моҳияти хусусида турли хил нуқтаи назар мавжуд. Нисбатан кенг тарқалган фикрларга кўра, холислар иштироки жиноятни тергов қиладиган ёки яширин тарзда ҳаракатларни амалга оширадиган мансабдор шахсга ишончсизлик ёки "айблилик презумпцияси" мавжудлилик билан боғлиқ.

⁶ Жиноят процесси: (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти. -Т.: 2007. 124-бет

⁷ Громов Н.А. Уголовный процесс России: Учебное пособие. М.: Юрист, 1998 83-84-бетлар.

Холислар иштирокининг заруриятига бундай қараш фақат замонавий ҳуқуқда эмас, балки тарихдан ҳам, бизга маълум.

Холислар иштироки ҳақида шариат нормаларида ҳам гапирилган. Мисол учун қарз олиш ва бериш жараёнида ёки муайян жиноят ҳолларини тасдиқлаш учун муайян миқдордаги шахсларнинг ҳозир бўлиши талаб қилинган. Бундай воқеликни тасдиқлашда улар гувоҳ деб аталсада, айнан биз ҳозирда холислар деб атайдиган иштирокчиларнинг ўзи бўлган.

Рус андозасидаги жиноят процессида эса, холисларнинг иштироки хусусида биринчи маротаба 1849 йилги Тузуклар тўпламида фикрлар баён қилинган. Мазкур манбада даставвал мансабдор шахслар томонидан суд ҳужжатларини ҳамда пора олиш ва бериш жиноятларини (фактларини) қалбакилаштириш мумкинлиги назарда тутилган. Ва бу ҳолатларни ижобий тарзда амалга ошириш ва суиистеъмол қилинмаслиги учун манфаатдор бўлмаган шахсларнинг кузатувчи сифатида иштироки лозим бўлган.⁸

1864 йилги Жиноят судлов ишларини юритиш Низомининг 4-боб 1-бўлим 320-моддаси холислар сифатида таклиф қилиниши мумкин бўлган шахслар ҳақида гапирилган. Холис сифатида уйларнинг, дўконларнинг, ишлаб чиқариш корхоналарининг хўжайинлари, ишончли ер эгалари, бошқарувчилар, волостлар ва қишлоқ мансабдор шахслари, черков сторосталари қатнашиши мумкин бўлган. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда умумий ишончга эга бўлган бошқа шахслар ҳам терговчи томонидан таклиф қилишга йўл қўйилган.⁹

Бундан кўриниб турибдики, холисларнинг иштироки терговчи, суруштурувчи, тезкор қидирув ходимлари томонидан воқеликнинг қалбакилаштирилиши хавфи бўлган ҳар қандай ҳолатларни қамраб олиши керак. Шунинг учун манфаатдор бўлмаган шахс тергов ҳаракатларининг холислигини ва қонунийлигини кафили бўлиши учун чақиртирилади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи учраган тасодифий одамлар давлат, жамият томонидан ваколат берилган

⁸ Калугин А.Понятой в уголовном процессе // Следователь 1999 М стр 2

⁹ Хитрова О.В. Содержания деятельности понятых в уголовном процессе. Аактуальные проблемы расследования преступлений : Труды Академии МВД РФ М 1995 135-137-бетлар.

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ҳаракатларини холисона кузатади.

Иккинчи нуқтаи назарга кўра, холисларга энг аввало исбот қилиш фаолиятида иштирок этувчи шахс сифатида қаралади. Холислар иштирокчиларининг идрок қилиш ва мустаҳкамлаши қийин бўлган ҳолларда билиш жараёнида бевосита иштирок этиши шарт. Мазкур позиция тарафдорларининг фикрича, тергов ҳаракатлари холислар иштирок этиши шарт бўлган ва иштирок этиши шарт бўлмаган ҳолатларга бўлиниши керак¹⁰. Мазкур ёндашувда холисларнинг исбот қилишга кўмаклашувчилик ролига берилган эътиборни кузатиш мумкин. Лекин булардан холислар исбот қилиш фаолиятни амалга оширадилар, деган нотўғри фикр келиб чиқади. Маълумки, жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини ўтказаетганда холис сифатида такли этиладиган барча фуқароларнинг ҳам ҳуқуқий маданият ва онгнинг етарли даражада бўлмайди. Улар кўп ҳолларда юридик билимларнинг етишмаслиги сабабли холислар ўз мажбуриятларини етарлича бажара олмайдилар. Баъзида қўрқув боис жиноят ишларини юритишда фуқороларнинг холис сифатида иштирок этиши хоҳишлари мавжуд бўлмайди. Узоқ давом этган ва мураккам процессларда бу ҳолатнинг қийинчилиги яққол сезилиб туради. Холис сифатида иштирок этиш учун фуқороларни мажбурий тарзда жалб қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам амалиётда холислар топиш ва уларни тергов ҳаракатларига кириб келишини таъминлаш ниҳоятда муаммо ҳиобланади. Холислар исбот қилиш субъекти бўла олмаслиги учун ҳам Жиноят-процессуал кодексининг 86-моддасида исбот қилиш субъектлари кўрсатилаётганда холислар исбот қилиш фаолиятига жалб қилинадиган иштирокчилар қаторига киритилган.

Холисларнинг иштироки хусусида учинчи ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, айрим муаллифлар таъкидлашларича, холислар сифатида иштирок этаётган шахс терговга қаршилар, тўсқинликлар бўлган-бўлмаганлигини, терговчининг қонуний талабларини фуқоролар томонидан қандай бажарилганлигини, агар процессуал мажбурлов қўлланилган бўлса, у билан боғлиқ ҳолатларни тасдиқлаш учунгина

¹⁰ Хитрова О.В. Содержание деятельности понятых в уголовном процессе. Актуальные проблемы расследования преступлений : Труды Академии МВД РФ М. 1995 142-143-бетлар.

керак¹¹. Холисларнинг ҳозир бўлиши бир вақтда, тергов ҳаракатини ўтказаятган шахснинг маффаатдор шахсларнинг тазйиқи таъсиридан ҳам сақлайди.

Холислар иштирокининг заруриятини фақат шу деб тушуниш - холислар иштирокидан кўзланган мақсадга берилган тор таклифдир. Чунки холисларнинг вазифаси фақат суриштирувчи (терговчи) ҳаракатларининг қонунийлиги ва терговга қаршилик кўрсатилганлиги фактини тасдиқлаш эмас. Унинг иштирокчидан кўзланган мақсад кенгрокдир.

Бизнингча холислар, номидан кўриниб турибдики, иштирокчилар қаторида холиснинг кўрсатилиши холисликни таъминлаш учун жорий қилинган. Улар иштирок этиши шарт бўлган ҳолларнинг белгиланиши бевосита қонун бузилиши хавфини мавжудлиги билан характерланади. Чунки далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш тартиби бузилишларининг энг кўп тарқалган ҳолларидан бири ҳам холислар иштироки керак бўлган тергов ҳаракатларида уларнинг иштирок этмаслиги ёки сохта иштирок этиш ҳолатлари ҳисобланади. Айтиш мумкинки, холисларнинг иштироки хусусида келтирилган биринчи ва учинчи ёндашувларнинг муҳим аҳамиятга эга. Лекин уларнинг бир-бирини инкор қилишларига қўшила олмамиз. Агар холислар иштироки фақат суриштирувчи (терговчи), прокурор, айрим ҳолларда судларга кўмаклашишдан иборат деб тушиниладиган бўлсак холисларни таклиф қилиш ёки қилмаслик масаласи ҳоҳишга кўра амалга оширилиши керак бўлади.

Жиноят- процессуал кодекснинг 73-моддасида холисларнинг иштирок этиши бўйича қуйидагилар баён қилинган: *"Холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда чақирилади.*

Тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро чақирилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради."

¹¹ Калугин А. Понятой В уголовном процессе// Следователь 1999 № 7, 3- бет

Модданинг мазмунидан фуқаро суриштирув ва дастлабки терговда бирон-бир тергов ҳаракати ўтказишда иштирок этишга таклиф этилиши билан ҳолисга айланабини билиб олиш мумкин. Унинг иштирокини таъминлаш учун ёки унга иштирок этишга рухсат бериш учун алоҳида процессуал қарор расмийлаштирилмайди.

Тергов ҳаракати бошланмасдан олдин ҳолисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши керак. Жиноят-процессуал кодекснинг 74-моддасига мувофиқ ҳолислар тергов ҳаракатида иштирок этиш; тергов ҳаракати бўйича баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар бериш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг баённомаси билан танишиш; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Улар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатини юритишда иштирок этиши; тергов ҳаракати ўтказилгани, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тергов ҳаракати баённомасида имзо чекиб тасдиқлаши; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги шарт.

Ҳолис узрсиз сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади. Бу қоида шахс ҳолис мақомини олганидан кейин вужудга келиши мумкин бўлган жавобгарликдир. Ҳали ҳолис мақоми берилмасдан туриб, шахсга ҳолисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмасдан туриб, муайян ваифаларни юклаш мумкин эмас.

Ҳолис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин. У бундай ҳолларда ушбу Кодекснинг 66-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Жиноят процессуал кодекснинг 352-моддасида белгиланишича, дастлабки терговда олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент ўтказиш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса юз берган

жойда текшириш, эксперт тадқиқотини ўтказиш учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш камида икки нафар холис иштирокида амалга оширилади. Ушлаб туриш мажбурлов чораси ҳам икки нафар холис иштирокида расмийлаштирилади.

Агар бир тергов ҳаракатини бир неча терговчи ёки терговчи ва у раҳбарлик қилаётган суриштирувчилар бир пайтнинг ўзида турли хоналарда ёки бир-биридан анча узоқ жойларда ўтказаетган бўлсалар, ҳар бир терговчи ва суриштирувчи ҳузурида доимо камида икки нафар холис иштирок этиши лозим.

Фуқаро терговчининг қонуний талабларини ва таклифларини бажаришдан бош тортаётганлигини ёки терговчига қаршилиқ кўрсатаётганлигини ёхуд дастлабки тергов юритиш тартибига тўғри келмайдиган бошқа ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар қилаётганини тасдиқлаш учун ҳам холислар таклиф қилинадилар. Жиноят-процессуал кодексининг 93-моддасида назарда тутилган ҳоллар яъни баённомага имзо чекишдан бош тортиш ёки имзо чека олмаслик ҳолларини тасдиқлаш бундан мустаснодир.

Қонунчилигимиз мазмунига кўра, холислар фақат жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида иштирок этадилар. Юқорида биз келтирган тергов ҳаракатлари суд тарафлар иштирокида (яъни холисининг иштирокисиз) ўтказилади. Айрим ҳолларда холислар иштирок этишини тақозо қилиши мумкин. Масалан, ЖПК нинг 445-моддасига биноан шахсни ечинтириб ялонғоч қилиш билан боғлиқ тарзда гувоҳлантириш тергов ҳаракати алоҳида хонада холислар иштирокида ўтказилади.

Холислар ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаслиги улар иштирокининг муҳим шартидир. Бундан ташқари холисларга қўйилган талабла мвжуд. Вояга етмаганлар; айнан шу иш бўйича жиноят ишини юритиш иштирокчилари; иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили

сифатида иштирок этган шахслар; ички ишлар органи, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ёки суд ходимлари холис бўла олмайдилар.

Холисларнинг иштироки билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Холис тариқасида иштирок этадиган шахслар гарчанд беғараз бўлсада, манфаатдор шахс бўлмаганлиги боис эринчоқлик ёки уқувсизлик натижасида процессуал тартибга амал қилмаслик эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Қолаверса, қўққисдан ўтказилаётган тергов ҳаракатлари учун холисларнинг топилиши жуда қийин. Мисол учун кечки пайтларда ёик одам истейкомат жойларидан олисда тергов ҳаракати ўтказилганда буни яққол ҳис қилиш мумкин.

Агар суруштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг далилларни сохталаштириш нияти бўлса, буни холислар пайқамасликлари ҳам мумкин. Айрим холисларда далиллар ноқонунийлиги сохта ҳолатни "қонунийлаштириш" учун ҳам керакка ўхшаб қолади.

Замонавий шароитларда суд муҳокамасининг муддати бир неча ойларни ҳаттоки, йилни ташкил қилади. Бундай шароитда бўйича судга гувоҳ сифатида сўроқ қилинган ўша пайтдаги холислар ҳеч нарсани эслай олмайдилар. Амалий жиҳатдан муҳум ва қийин бўлган тергов ҳаракатлари мутахасислар, тезкор ходимлар, жабрланувчилар, ҳимоячилар ва бошқа шахслар иштирок этадилар.

Шунинг учун холис сифатида таклиф қилинаётган шахсларнинг фикрлаш ва билим даражасига эътибор қилиниши шарт. Бундан ташқари, тергов ҳаракатларининг жарёнини ва натижалари техник воситалардан, зарурият бўлганда судда картинани қайта тиклаш керак.

Холислар иштирокининг сифатини такомиллаштириш учун қонун нормаларини қайта кўриб чиқиш хусусида таклиф берилиши керак. Буни икки йўналишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Биринчиси холисларнинг жараёни диққат билан кузатиш мажбуриятини белгилаш даркор. Шу мақсадда холисларнинг мажбуриятларини назарда тутувчи Жиноя-процесуал кодексининг 74-моддасининг иккинчи қисмига *"суриштирувчи, терговчи, прокурор ва тергов ҳаракатини бажараётган ошқа шахснинг ҳаракатларини синчковлик билан кузатиш"* деган сўзлар киритилиши керак.

Иккинчи йўналиш холислар иштирокининг туб моҳиятини таъминлаш учун уларнинг рад этилиш масаласини қайта кўриб чиқиш керак. Уларни рад қилиш хусусида илтимоснома берадиган шахслар дорасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Нафақа жиноят процесси иштирокилари, балки жиноят процесси иштирокчиси бўлмаган лекин тергов ҳаракатининг иштирокчиси бўлган шахслар ҳам холисларни рад қилиш хусусида илтимоснома бериш ҳуқуқи эга бўлишлари керак. Мисол учун тинтув қилинаётган ёки уйи тинтув қилинаётган шахс бирон бир иштирокчи мақомига эга бўлмайди. Таклиф қилинаётган холисларнинг иштирок этишини хоҳламаган тақдирда ҳам тергов ҳаракати ўтказилиши мумкин. Бу ҳолат қонунга зид ҳисобланмайди. Лекин арзимас масалада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан норозилик кайфияти шаклланади. Буларни олдини олиш мақсадида эса Жиноят-процессуал кодекснинг 80-моддасига қуйидаги янги иккинчи қисм киритилиши керак: *"Холислар иштирок этаётган ҳолатларда, уларни рад қилиш тўғрисида манфаатдор шахслар ёки процессуал ҳаракатда иштирок этаётган бошқа шахслар ҳам арз қилдишлари мумкин. Бундай арзлар дарҳол кўриб ҳал қилинади."*

3-§. Одил судловни амалга оширишда жамоатчиликнинг иштироки

Одил судловни амалга ошириш борасида жаҳон тажрибасида жамоатчилик иштирокининг шакллари турли хил. Улар халқ маслаҳатчилар, қасам ичганлар суди, катта жюри кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида фақат халқ маслаҳатчиси орқали жамоатчилик одил судлов фаолиятини амалга оширишга сафарбар қилинади. Халқ маслаҳатчиси – фақат биринчи инстанция суд мажлисида иштирок этадиган жамоатчилик иштирокининг шаклидир. Халқ маслаҳатчиси одил судлов фаолиятига жамоатчилик иштирокининг мавжудлигидан далолат беради. Аниқроқ қилиб айтганда, бу маслаҳатчигина эмас, балки жиноят процессида иштирок этувчи жамоатчилик институтининг энг кенг тарқалган ва муҳим шакли бўлган ҳакамлик вазифасини ҳам бажаради.

Профессионал судья ҳисобланмаган шахсларнинг халқ маслаҳат сифатида суд таркибида иштирок этиши Жиноят-процессуал кодекснинг 13-моддасида белгиланган “Жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш” принципида назарда тутилган. Унга кўра, икки нафар халқ маслаҳатчилари Ўзбекистон Республика Олий судидан ташқари барча судларда, фақат биринчи инстанция тарзида оғир ва ўта жиноятлартўғрисида ишларини кўришда иштирок этадилар. Халқ маслаҳатчилари ҳарбий судларнинг таркибида ҳам мавжуд бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқлари доирасида иш олиб боради ҳамда раис, раис ўринбосари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади. Округ ва ҳудудий ҳарбий судлар туман суди ҳуқуқлари доирасида иш олиб боради ҳамда раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан, зарурат бўлганда эса суд раисининг ўринбосаридан ҳам иборат бўлади.¹²

Бу халқ маслаҳатчиси давлат органи бўлган судда кўриладиган ишни муҳокама қилишда қатнашишлари орқали ўз сайловчиларининг фикр - мулоҳазаларини ифода этадилар.

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164-II-сонли қарори билан тасдиқланган “Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги (Янги таҳрирда) Низомнинг 2-моддаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 323 -II сонли қарори билан тасдиқланган «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида низом» нинг халқ маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга оид VIII бобига мувофиқ, ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони жиноят ишлари бўйича судлар судьяларининг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланади¹³.

Халқ маслаҳатчилари судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан туман (шаҳар) ҳокимлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари билан, ҳарбий қисмларда эса ҳарбий қисмлар қўмондонлиги билан биргаликда ташкил этилади.

Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланади. Судьяларнинг малака ҳайъати халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш жараёни устидан назорат олиб боради; халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади; халқ маслаҳатчилари сайлови натижаларини яқунлайди; сайланган халқ маслаҳатчилари рўйхатини тузади ва тасдиқлайди; сайланган халқ маслаҳатчиларига тегишли гувоҳнома беради; халқ маслаҳатчиларини ўқитиш ишларини ташкил этади; халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Халқ маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг иш ёки яшаш жойидаги ёхуд ҳарбий қисмларнинг ҳарбий хизмат жойидаги йиғилишларида ўтказилади.

Йиғилишлар камида юз сайловчи бўлган меҳнат жамоаларида, ҳарбий қисмларда ва аҳоли пунктларида ўтказилади. Агар сайловчилар сони юз кишидан кам бўлса, халқ маслаҳатчилари сайлови бошқа муҳнат жамоалари ҳарбий қисмлар ҳамда аҳоли пунктларида яшовчи сайловчилар билан биргаликда ўтказилади.

Йиғилишлар йирик муассасалар, ташкилотлар, корхоналар ва ҳарбий қисмларда уларнинг сайловчилар сони камида юз кишини ташкил этувчи таркибий бўлинмаларда ўтказилиши мумкин.

¹³ Ўзбекистонда суд ҳокимияти: Ислохотлар даври. А.А. Полвон — зода, Г.А. Абдумажидов ва бошқ.-Т. «Адолат», 2002, 157-бет

Халқ маслаҳатчилари сайловига бағишланган йиғилишлар бўладиган вақт ва жой ҳақида фуқаролар шундай йиғилиш ўтказилшидан камида уч кун аввал хабардор этилади.

Халқ маслаҳатчиларига номзодлар меҳнат жамоалари, фуқароларнинг яшаш жойидаги сайловчилар томонидан шунингдек ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан кўрсатилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунида ўн саккиз ёшга тўлган ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан бир ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий судда халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Халқ маслаҳатчилари сайлови ҳар бир номзод бўйича алоҳида - алоҳида, очик овоз бериш йўли билан ўтказилади. Муайян меҳнат жамоаси, ҳарбий қисмнинг ҳарбий хизматчилари ёки фуқароларнинг яшаш жойидаги сайловчилар йиғилишлари қатнашчиларининг ярмидан кўп овозини олган шахслар халқ маслаҳатчилари этиб сайланган деб ҳисобланади.

Суд жараёнида халқ маслаҳатчиларининг асосий мажбурияти ва ҳуқуқи бу - адолатли ҳукм чиқаришдир. Судда халқ маслаҳатчиларининг вазифаси судьялар билан бирга дастлабки тергов бўйича олиб борилган ишларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини ҳар томонлама текшириш, айниқса судга берилган иш ҳақиқатда судга топширилиши лозимми яъни ушбу кўрилаяётган жиноят ишида унинг тўхтатилиши учун асос бўладиган далиллар бор ёки йўқлигини, жиноятга алоқадор барча шахслар жавобгарликка тортилганми, айбланувчининг иши жиноят қонунининг моддаларига тўғри квалификация қилинганми, жиноят натижаси етказилган зарар тўла қопланганми ва шу каби масалаларни ҳал этиш ҳисобланади.

Иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси киради. Судда ҳар бир ишни бир таркиб кўриши ва ҳал қилиши лозим. Лекин, баъзан қонуннинг бу талабини бажариш мумкин бўлмай қолади. Бундай ҳоллар айниқса катта ва мураккаб ишлар кўрилганда рўй беради.

Одатда кўп иштирокчилар қатнашган ишларни кўриш бир неча кунга ва баъзан бир неча ҳафта ёки ойларга хаттоки йилларга чўзилади. Шунинг учун ҳам жиноят-процессуал қонунига асосан бундай ҳолларда халқ маслаҳатчиларидан бирининг касал бўлиши ёки бошқа асосли сабабларга кўра ўз ишини давом эттира олмай қолиш эҳтимолини назарга олиб, суд ўз рўйхатидаги халқ маслаҳатчиларидан бирини заҳирадаги халқ маслаҳатчиси сифатида судга чақиради. Яъни ишни муҳокама қилиш узоқ вақт талаб қиладиган бўлса, ишда заҳирадаги халқ маслаҳатчиси қатнашиши мумкин бўлиб, у ишни муҳокама қилиш бошланган пайтдан эътиборан суд мажлиси залида ҳозир бўлади ва судьянинг ҳуқуқларидан фойдаланади, суд маслаҳатлашувларида ва иш бўйича қарор чиқариш вақтида қатнашиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Халқ маслаҳатчиси суд таркибидан чиқиб кетган тақдирда заҳирадаги халқ маслаҳатчиси унинг ўрнини эгаллайди ва ишни муҳокама қилиш давом этади. Заҳирадаги халқ маслаҳатчиси чиқиб кетган халқ маслаҳатчисини алмаштирилмагунга қадар суд процессида иштирок этмайди. У суд мажлиси залида ҳозир бўлади, иш муҳокамасини кузатиб, зарур жойларини белгилаб боради, иш бўйича барча далилларни бевосита қабул қилади.

Агар халқ маслаҳатчиси унинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилувчи сабабларга кўра узоқ муддатга чиқиб кетган бўлса, бу ҳолда заҳирадаги халқ маслаҳатчиси жиноят ишини кўриб чиқишда иштирок этиши мумкин. Чиқиб кетган халқ маслаҳатчисини алмаштирган ва суд мажлисини тиклашни талаб қилмайдиган заҳирадаги халқ маслаҳатчиси ишга киришишида, ўзига тушунарсиз бўлган саволларни суд муҳокамаси давомида аниқлаб олиши керак.

Агар халқ маслаҳатчиси заҳирада бўлмаган халқ маслаҳатчиси билан алмаштирилаётган бўлса, суд муҳокамаси бошидан тикланиши шарт. Чиқиб

кетган халқ маслаҳатчисининг заҳирадаги халқ маслаҳатчиси билан алмаштирилганлиги тўғрисида суд мажлиси баённомасида алмаштиришни талаб қилган ҳолатлар, муҳокама бошидан тикланганлиги ёки давом эттирилганлиги қайд этилиши лозим.

Суд мажлисида заҳирадаги халқ маслаҳатчиси иштирок этаётган бўлса, раислик қилувчи бу ҳақда эълон қилади ҳамда унинг фамилиясини айтади. Эътиборли томони шундаки, заҳирадаги халқ маслаҳатчисини ҳам рад қилиниши мумкин.

Заҳирадаги халқ маслаҳатчисини рад қилиш суд томонидан тўлиқ таркибда маслаҳатхонада кўпчилик овоз билан ҳал этилади. Башарти икки нафар халқ маслаҳатчисини ёки заҳирадаги халқ маслаҳатчи йўқ бўлганида улардан бирини рад қилиш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилаётган бўлса, иш кўрилиши мумкин эмас, у бошқа вақтга қолдирилади.

Демак, жиноят процессидаги жамоатчилик институтида заҳирадаги халқ маслаҳатчисининг мавжудлиги жиноят ишини кўриб чиқишда сансоларликка йўл қўйилмаслигининг қафолати ҳисобланади.

Халқ маслаҳатчилари кўрилаётган жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатини аниқлашда, далилларга баҳо беришда, ҳуқуқ - тартиботни бузувчиларга чора кўришда, даъволарни ҳал этишда, жиноят қилишда айбдор деб топилганларга жазо белгилашда ўз ижтимоий ҳуқуқий онгининг асосланган таъсирларини кўрсатадилар.

Халқ маслаҳатчиларининг судьялар билан тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги норма Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунинг 13 -модда 3 -бандида кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга асосан одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ҳар таркибида халқнинг вакили сифатида иккита халқ маслаҳатчилари иштирок этиши судьяларнинг ҳуқуқларидан фойдаланишлари назарий манбаларда асослаб берлиган.¹⁴

¹⁴ Қаранг: Немитина М.В. Российский суд присяжных. -М.: БЕК, 1995. - Б.126.

Халқ маслаҳатчилари суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар. Шунинг учун ҳам суд ҳайъатида икки нафар халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши жамоатчиликни одил судлов ўтказилишига жалб этиш воситаси сифатида эътироф этилади. Яъни, судда халқ маслаҳатчилари биринчи инстанция суди томонидан жиноят иши кўришга белгиланганда ва уни муҳокама қилганда бевосита иштирок этадилар ва судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Улар суд муҳокамасидан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишда, суд баённомасига нисбатан бўлган шикоятларни ечишда, хилма - хил процессуал саволларни ҳал қилиш ва ҳукмни ижро этишда вужудга келадиган саволларни ечишда бевосита судья билан биргаликда иштирок этадилар ва ўзларининг фикр - мулоҳазаларини судьяга етказиб, ушбу саволлар бўйича келиб чиққан муаммоларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи судья халқ маслаҳатчиларининг фикр - мулоҳазаларидан огоҳ бўлиб, улар билан вужудга келадиган масалаларни бамаслаҳат ва осойишталик шароитида ҳал қилиши лозим¹⁵.

Агар халқ маслаҳатчисининг фикри раислик қилувчи судьянинг фикрига тўғри келмаса, раислик қилувчи судья унга қайси қонун талабларига биноан халқ маслаҳатчисининг фикри нотўғри эканлигини тушунтириб бериши шарт.

Таъкидлаш лозимки, жиноят-процессуал кодексининг 14 - моддасига мувофиқ одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ҳамда фақат қонунга бўйсунадилар. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб чиқадилар ва ҳал этадилар.

Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Халқ маслаҳатчилари иш юзасидан муҳим масалаларга аниқлик киритиш мақсадида судьядан

¹⁵ <http://kalinovsky-k.narod.ru/b/alekseev> (2008 йил 24 ноябрь ҳолатида).

маълумотлар олиш; прокурор, айбланувчи ва ҳимоячига саволлар бериши мумкин.

Раислик қилувчи судья суд муҳокамасини шундай олиб бориши керакки, унда иш ҳолатининг ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив таҳлил қилишга имконият мавжуд бўлсин. Бунинг учун у халқ маслаҳатчиларини кўриб чиқиладиган иш юзасидан вазиятни тўғри баҳолашга жалб этиши, суд муҳокамаси иштирокчиларига саволларни тўғри қўя олишларига ҳуқуқий ёрдам бериши керак.

Масалани ҳал этиш нуқтаи назаридан суд муҳокамасини бизнингча, бир неча қисмларга бўлиб кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади. Дастлабки бошланиш қисмида барча далиллар бўйича юзага келган муаммолар ечилади. Содир этилган жиноий қилмиш айнан шу шахс томонидан содир этилганлиги суд муҳокамасининг навбатдаги суд мажлиси қисмида қонунга асосланган ҳолда белгиланган кетма - кетликка мувофиқ аниқланади.

Вахоланки, халқ маслаҳатчилари судьялар билан тенг ҳуқуқга эга бўлсаларда бундай вазиятда раислик роли нисбатан юқори ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби юқорида айтиб ўтилганидек, жиноят жараёни нормаларининг амал қилиши ва судьянинг қонунларни билишида ҳамда уларни муайян жиноий ҳодисага нисбатан қўллай билиш тажрибасининг юқорилиги билан изоҳланади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, жиноят- процессуал кодексининг 76 - моддасига мувофиқ судья ҳамда халқ маслаҳатчиси қуйидаги ҳолларда жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва уни рад қилиш лозим :

Биринчидан- у шу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этган бўлса;

Иккинчидан- у ушбу ишни юритиш учун масъул бўлган бирор бир мансабдор шахснинг ёки юқорида айтиб ўтилган ўзга шахсларнинг яъни прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлиси котибининг қариндоши бўлса;

Учинчидан- унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳоллар мавжуд бўлса, халқ маслаҳатчиси жинойт ишини юритишда иштирок этиши мумкин эмас ва уни рад қилиш лозим.

Судья ва халқ маслаҳатчиларининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатларнинг мавжудлиги уларнинг, ишни ҳал қилишда амалга ошираётган ҳаракатларини шубҳа остига қўяди ва уларни ишни холисона ҳал қилмасликлари тўғрисида далолат бўла олади.

Агар судьяга юқорида қайд этилган бирон ҳолат аён бўлса, у ўзини ишдан четлаштириши ва ишда тегишли сабабларга кўра қатнашишга ҳуқуқи йўқлиги тўғрисида хабар бериши лозим.

Ушбу ҳаракатларни қилмаган судья, агар унинг иштироки судда давом этар экан, қонуннинг қўпол равишда бузилиши фактини юзага келтириб, ишни холисона, ҳар томонлама ва тўлиқ судда муҳокама этилишига тўсқинлик қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳар бир шундай ҳолат синчковлик билан текширилиб, судья ёки халқ маслаҳатчисининг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган ҳолатлар аниқланиб, уларнинг мавжудлигига ишонч ҳосил қилинган, ушбу шахсларни дарҳол ишдан четлаштириш лозим.

Суд муҳокамаси жараёнида илтимоснома ва бошқа саволларни қабул қилиш орқали иш бўйича аҳамиятга эга бўлган далилларни ҳар томонлама ва объектив равишда тадқиқ этиш имконияти вужудга келади. Шунинг учун ҳам халқ маслаҳатчилари илтимоснома ва саволларни диққат билан эшитишлари ва унинг ечилишида фаол иштирок этмоқликлари муҳим аҳамиятга эга.

Суд муҳокамаси давомида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ўз ечимини топганидан сўнг, судья суд терговига ўтади. Бу босқичда иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган далиллар ва ҳолатлар текширилади ҳамда тадқиқ этилади. Халқ маслаҳатчилари суд терговининг фаол иштирокчилари бўлишлари лозим, ҳақиқат ўрнатилишига ҳаракат қилиши ва бунинг учун қонунда назарда тутилган барча воситалардан оқилона фойдаланишлари керак. Мисол учун, у гувоҳларни, жабрланувчиларни, айбланувчини, экспертларни, мутахассисларни сўроқ қилишда

қатнашиши ва ҳоказолар.Қонунга асосан суд терговда жабрланувчи ёки бошқа шахсларни сўроқ қилиш давомида халқ маслаҳатчилари уларнинг кўрсатмаларини - аниқлаштириб олиш учун саволлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд терговдан сўнг суд музокараси(сўзга чиқиш)бошланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, уни ўтказиш тартиби аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, суд музокараси кўриб чиқиладиган жиноят иши бўйича прокурор, жамоат айбловчиси ҳамда жабрланувчининг нутқидан иборат бўлади.

Суд музокараси давомида суд муҳокамаси иштирокчилари нутқларида ўзларининг хулосалари, далилларни тадқиқ этиш натижасида қандай таклифларга келганликларини баён этадилар. Суд муҳокамасининг бу қисмида халқ маслаҳатчиларининг фаолликлари бир мунча чегараланган, сабаби суд музокарасини судья яъни раиснинг шахсан ўзи бошқаради.

Судланувчининг охириги сўзи тингланганидан сўнг судья ва халқ Маслаҳатчилари ҳуқум чиқариш учун маслаҳатхонага кириб кетадилар.

Ҳукм чиқариш чоғида халқ маслаҳатчиларининг фаол иштирок этишлари аҳамият касб этади.

Ҳукм маслаҳатхонада чиқарилади ва маслаҳатхонада судьялардан ташқари ҳеч қандай шахс бўлиши мумкин эмас, эътиборли томони шундаки халқ маслаҳатчилари бундан истисно ҳисобланадилар. Судьялар маслаҳатхонасида суд ҳайъатига кирмаган шахслар, чунончи. прокурор. адвокат, суд мажлисининг котиби бўлмаслиги керак.

Халқ маслаҳатчилари ва судьяларнинг саволларни муҳокама қилиш Пайтида бўлган ҳуқуқлари яъни маслаҳатхонада ҳукмни чиқариш вақтида Унинг муҳокамасига оид овоз бериш ҳуқуқлари тенг бўлиб, ушбу ҳуқуқлардан Халқ маслаҳатчиларива судьялар қонун талабларига биноан фойдаланишлари шарт.

Агар овоз бериш пайтида(ҳукмга оид овоз бериш вақтида) судьялардан бири якка қолган бўлса, у ҳолда ҳукмга оид бошқа масалалар бўйича овоз бериш жараёнида унинг иштирок этиши зарурлиги тақозо этилади.Раислик қилувчи шахсга ҳукм чиқариш билан боғлиқ бўлган масалаларни тўла - тўқис ҳал этиш

мажбурияти юклатилган.Айнан шу жиҳати билан ҳам у халқ маслаҳатчиларининг даражаларидан юқори эканлигини билиб олишимиз мумкин.

Суд судья ва халқ маслаҳатчилари билан биргаликда маслаҳатхонага кириб кетганидан сўнг у ерда кўриб чиқиладиган жиноят иши бўйича муайян қарор чиқариши лозим бўлиб ҳисобланади. Эътиборли томони шундаки, юқорида қайд этилган судьяларнинг маслаҳатлашув тартиби бузилган бўлса, чиқарилган ҳукм ёки ажрим ҳуқуқий кучга эга бўлмайди.

Агар ҳукмни судьяларнинг ёки халқ маслаҳатчиларининг биронтаси имзоламаган бўлса, бу ҳужжат юридик кучга эга бўлмайди. Алоҳида фикрга эга бўлган судья ҳукмни имзолар экан, ўзининг имзоси тагида унда алоҳида фикр мавжудлиги тўғрисида белги қўйиб, кейин имзо чекади.

Алоҳида фикрга эга бўлган судья ёки халқ маслаҳатчиси ўз фикрини маслаҳатхонада бўлганида бевосита ёзма равишда қайд этиши ва ҳукмга илова сифатида конвертга жойлаб, уни муҳрлаб бериш ҳуқуқига эга.

Ҳукмни эълон қилинганда алоҳида фикр эълон қилинмайди. Алоҳида фикр ҳукм билан биргаликда иш материалларига илова қилиниши керак.Суд мажлисининг баённомаси ҳам иш материалларига шундай илова қилинади.

Ҳукм имзоланганидан кейин раислик қилувчи ёки халқ маслаҳатчиси ҳукмни суд мажлиси залида эълон қилади. Ҳукмни эълон қилиш ҳукм чиқариш жараёнинг якунловчи қисми сифатида эътироф этилади. Ҳукм суд мажлисининг залида ошкора тарзда ўқиб эшиттирилиши лозим. Хаттоки жиноят иши ёпиқ суд мажлисида кўрилган бўлса ҳам ҳукмни эълон қилиш ошкора равишда суд мажлиси залида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам халқ маслаҳатчилари ҳукм чиқариш ва эълон қилиш масалаларида фаол иштирок этишлари лозим.

Халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш борасидаги Ҳуқуқ ва ваколатларини илмий - назарий таҳлил этар эканмиз ўз навбатида уларнинг масъулиятлари ҳусусида ҳам фикр юритишимиз зарур. Чунки ҳар бир мавжуд ҳуқуқ ўзида муайян бир масъулиятни намоён этади. Масалага шу Жиҳатдан ёндошганимизда халқ маслаҳатчилари ўзларини сайлаган сайловчиларнинг яъни

халқ билдирган ишончни тўла оқламоқликлари лозим ва айни вақтда шарт ҳисобланади.

Шунингдек, иш юзасидан била туриб адолатсиз ҳукм чиқарганликлари учун халқ маслаҳатчилари ҳам судьялар каби Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 231 - моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Демак, халқ маслаҳатчилари ўз олдиларига қўйилган вазифаларини ғоят катта масъулиятли, фахрли иш деб билишлари ва республикамиз қонунларига оғишмай риоя қилишлари зарур.

Халқ маслаҳатчилари ҳар бир ишни унинг катта ёки кичик иш бўлишидан қатъи назар, яхши ўрганиб чиқишлари, ундаги ҳар бир ҳолат билан чуқур танишиб олишлари шарт.

Баъзан халқ маслаҳатчилари орасида олий маълумотли юристлар ҳам учрайди. Улар ишнинг ҳақиқий томони билан бирга, юридик жиҳати билан ҳам танишадилар. Лекин амалиётда халқ маслаҳатчиларининг кўпи жамоат ишларида тажрибали, турмушдан яхши ҳабардор бўлишлари билан бирга, юридик маълумотга эга бўлмаганликлари сабабли, ишнинг қонуний томонларига эътибор бермай, кўриб чиқиладиган ишга доир қонун ҳужжатлари билан танишиб чиқмайдилар.

Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъбирларича "халқ маслаҳатчилари тизимини ислоҳ қилиш зарур. Фуқароларнинг одил судловни ўтказишда қатнашуви - демократик жамиятнинг асосий принципларидан биридир. Демократия ривожланган кўпгина мамлакатларда профессионал суд билан бир қаторда ҳолис, ҳалол маслаҳатчилар иштирокидаги судлар муваффақиятли ишлаб турибди. Биз ана шу тажрибани ҳам ўрганишимиз керак. Суд ишларини кўриб чиқишга одамлар ўртасида ҳурмат ва ишонч қозонган обрўли, маърифатли фуқароларни фаолроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Сир эмас, кўп ҳолларда ташкилотлардан иккинчи даражали одамлар судга маслаҳатчи қилиб юборилади.

Ахир, бу қип-қизил кўзбўямачилик-ку. Судда инсон тақдири ҳал бўладия! Бунга чек қўйиш керак"¹⁶.

Қонунлар билан танишишни истаган халқ маслаҳатчиси биринчи ёрдамни судьянинг ўзидан олади. Судья халқ маслаҳатчисига иш юритишга оид кўпгина қоидаларни тушунтириб беради ва ишга боғлиқ қонун нормалари билан чуқурроқ танишиш учун имконият яратади. Шунингдек бу борада ҳар бир судларда халқ маслаҳатчилари билимини ошириш учун мунтазам равишда ўқув курслари ўтказилади¹⁷.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят -процессуал кодекси суд, прокурор ва терговчилардан ишни ҳар тарафлама объектив текширишни, жиноий жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳамда енгиллаштирадиган ҳолатларни тўла эътиборга олишни талаб этади. Аини пайтда бу талаб ўз -ўзидан халқ маслаҳатчиларига ҳам тегишли ҳисобланади.

Судлов жараёнида халқ маслаҳатчиларининг энг муҳим ҳуқуқи ва асосий бурчи - судьялар билан биргаликда иш кўриб, қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда, ҳақиқий ва адолатли суд қилишдан, одил судловни амалга оширишдан иборатдир. Шу тариқа, халқ маслаҳатчилари профессионал судьялар билан биргаликда яхлит суд ҳайъатини ташкил этадиларки, бу коллегия одил судловни амалга оширади, яъни ишни ҳолатларини текширида, далилларга баҳо беришда, ҳукм чиқаришда қонунларга мувофиқ, судьяларнинг Ўзбекистон Республикаси ички эътиқодларига асосланиб ва жамият манфаатларини кўзлаб иш кўрадилар. Халқ маслаҳатчилари судни кенг аҳоли билан бевосита боғловчи восита бўлиб хизмат қиладилар.

Жиноий ишларни судда кўриш жараёнида халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқий мавқеи тўғрисида фикр юритиб, баъзи олимлар бу тартиб бошқарувнинг ижтимоий шакли бўлмай, балки давлат шаклидир, деб ҳисоблайдилар

Бизнинг фикримизча, республикамызда кенг жамоатчилик вакиллари бўлмиш халқ маслаҳатчиларини одил судловни амалга оширишга азалдан жалб

¹⁶ И.А.Каримовнинг 1996 йил 29 август кундаги биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган "Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари" нуткидан.

¹⁷ Ўзбекистонда суд ҳокимияти: Ислохотлар даври. А.А. Полвон — зода, Г.А. Абдумажидов ва бошқ. —Т. «Адолат», 2002, 144 —бет

этиб келинаётганлиги суд тизимимизнинг чинакам халқчил эканлигини кўрсатади; бу давлат шакли бўлмасдан, жамоатчиликни давлатни идора қилишга тортиш шаклларида бири ҳисобланади.

Ҳуқуқ - тартибот бузилишининг олдини олиш, ҳар бир фуқарони қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг кенг жамоатчилик билан алоқасини янада кучайтириш, тўғри хусусий ажрим чиқариш ва тегишли ташкилотлар олдига профилактик характерда бўлган масалаларни кўпроқ қўйиш асосида бутун судлов фаолиятини янада такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Халқ маслаҳатчилари қилиб сайланган кўпчилик шахслар эса юрист бўлмай, ўз меҳнат жамоаларидаги муайян касб эгалари ҳисобланадилар. Бинобарин, уларда етарли юридик малака кам бўлиб, дастлаб улар жиноий иш юритиш жараёни билан яхши ва чуқур таниш бўлмайдилар.

Қонунларимиз халқ маслаҳатчиларининг тўла мустақиллигини таъминлаши даркор. Қонун халқ маслаҳатчиларига профессионал судьянинг обрў - нуфузи таъсиридан холи бўлишни кафолатлаб, маслаҳатхонада қарор қабул қилиш вақтида уларнинг ўз фикр - мулоҳазаларини биринчи бўлиб баён қилишларини назарда тутди. Бунда ҳар қандай қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Халқ маслаҳатчиларининг масъулиятини оширишда уларнинг ўзларини сайлаган жамоа билан алоқа боғлаб боришининг энг самарали шакли, яъни сайловчилар олдида мунтазам ҳисоб бериб боришлари муҳим роль ўйнайди.

Икки ҳафталик муддат , узоққа чўзиладиган ишлар бўйича эса баъзан кўпроқ вақт давомида суд ишларини кўришда қатнашиб бўлгач, халқ маслаҳатчилари сайловчилар олдида, албатта, ҳисоб беришлари зарур.

Халқ маслаҳатчилари судьянинг рухсати билан корхоналарга бориб, суд чиқарган қарорлар, ҳукмлар, ажримлар қандай бажарилаётганлигини текширадилар, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларига ҳукм қилинган шахслар ахлоқи билан танишиб чиқадиладар. Бундай текширишдан кейин қоида бўйича маълумотнома ёзилиб, судга топширилади.

Фикримизча, ана шундай ҳолдагина ҳар бир халқ маслаҳатчисининг қилаёган ишини пухта ҳисобга олиб бориш ва халқ маслаҳатчилари кенгаши тавсиясига кўра, энг фаол халқ маслаҳатчиларини асосий иш жойида рағбатлантириш ижобий самара беради деб ҳисоблаймиз.

Бошқа ҳолларда судья шу халқ маслаҳатчиси ишлаб турган корхона маъмурияти номига хабарнома юбориб ва унда халқ маслаҳатчиси судда ўз вазифасини ҳалол ва виждонан ўтаётганлигини билдириб, уни рағбатлантириш чорасини кўришни тавсия этиши мумкин.

Бу тадбир халқ маслаҳатчиларининг фаоллигини, интизомини ошириш, масъулиятини янада юқори кўтариш имконини берган бўлар эди деган фикрдамиз.

Халқ маслаҳатчиларининг ҳисоботи юзасидан матбуот саҳифаларида турлича мулоҳазаларни учратиш мумкин. Баъзи муаллифлар халқ маслаҳатчилари ўз ҳисоботларида фақат суд ишларидан маълумот берадилар¹⁸, деб таъкидлайди.

Ф. Юришев халқ маслаҳатчиси гўё суднинг умумий фаолияти, судьяларнинг. судга сайланган халқ маслаҳатчиларининг сони ҳақида, суд ишининг қандай ташкил этилганлиги, фуқароларни қабул қилиш, улар аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш ахволи хусусида қисқача маълумот беришлари лозим, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, қонунда белгилаб қўйилишича, халқ маслаҳатчиси судьянинг иши тўғрисида ҳисобот беришга мажбур эмас.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, судлов ишларининг сифати, унинг тарбиявий аҳамияти ва ишнинг тўғри ҳал этилиши кўп жиҳатдан судья ва халқ маслаҳатчилари суд мажлисига қанчалик яхши тайёргарлик кўрганлигига боғлиқ. Одатда судьялар олий юридик маълумотга эга бўлиб, судлов ишларини олиб бориш тартиб қоидаларини яхши биладилар. Лекин халқ маслаҳатчилари халқ орасидан чиққан вакиллар сифатида жамиятнинг турли соҳаларидаги халқ дардини тушунадиган, ҳолатга ҳаққий ҳолатдан келиб чиқиб чиқадиган шахслардир. Гоҳида халқ маслаҳатчиси институтини тугатиш тўғрисида айб ўтилади. Уларнинг иштирокисиз бир кунлик суд процессларини кўз олдимизга

¹⁸ Горькин А.Ф., Анашкин Г.З., Поногин В.С. 100 ответов на вопросы народных заседателей, изд-во «Знание», М., 1970, 22-б.

келтирадиган бўлсак, судьянинг бир ўзи оғи ва ўта оғир жиноятлар юзасидан қарор қабул қилишда қийналганлигини, бир соҳа кишилари бўлган судьяларнинг ишни эътиборсизларча кўришга сабаб бўлган андишаларини, мансабдан ажралишдан кўрқиб қарорлар қабул қилинши кўрамиз. Шунинг учун ҳам халқ маслаҳатчилари институтини тугатиш эмас, аксинча ривожлантириш хусусида ўйлашимиз керак.

ХУЛОСА

Жиноят ишларини юритишда жамоатчилик иштирок хусусидаги назарий қоидалар, қонун нормалари ва суд -тергов амалиётини ўрганган ҳолда магистрлик диссертациясини ёзиш натижасида келтирадиган хулосаларимизни уч гуруҳга бўлишни лозим топдик. Булар: 1) жиноят-процесси фанининг ривожига ҳисса қўшадиган назария хулосалар; 2) жиноят-процессуал қонунни такомиллаштириш учун бериладиган таклифлар ва 3) суд-тергов амалиётида ишларни тўғри ташкил этиш билан боғлиқ тавсиялар.

Жиноят-процесси фанининг ривожига ҳисса қўшадиган назария хулосалар:

1. Бизнинг фикримизча, республикамызда кенг жамоатчилик вакиллари бўлмиш халқ маслаҳатчиларини одил судловни амалга оширишга азалдан жалб этиб келинаётганлиги суд тизимимизнинг чинакам халқчил эканлигини кўрсатади; бу давлат шакли бўлмасдан, жамоатчиликни давлатни идора қилишга тортиш шаклларида бири ҳисобланади.

2. Гоҳида халқ маслаҳатчиси институтини тугатиш тўғрисида айб ўтилади. Уларнинг иштирокисиз бир кунлик суд процессларини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, судьянинг бир ўзи оғи ва ўта оғир жиноятлар юзасидан қарор қабул қилишда қийналганлигини, бир соҳа кишилари бўлган судьяларнинг ишни эътиборсизларча кўришга сабаб бўлган андишаларини, мансабдан ажралишдан кўрқиб қарорлар қабул қилинши кўрамыз. Шунинг учун ҳам халқ маслаҳатчилари институтини тугатиш эмас, аксинча ривожлантириш хусусида ўйлашимиз керак.

3. ЎзР ЖПКнинг 21-моддаси қўшимчага муҳтож. Мазкур модданинг биринчи қисми охирига *“Жамоатчилик жиноят ишларини юритишда жамоат назоратини ҳам амалга оширади”* деган сўзлар киритилиши керак. Шунда жамоатчилик иштирокининг моҳиятига тўлароқ баҳо берилади.

4. Жиноят-процессуал кодексининг 349-моддасинини чиқариб ташлаб, кодекснинг 21-моддасининг биринчи қисмидан кейин қуйидагича иккинчи ва учинчи қисмлар қўшилиши мақсадга мувофиқ: *“Суриштирувчи, терговчи,*

прокурор ва суд жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун жамоатчиликни жалб қилиш мақсадида жамоат бирлашмаларига, жамоаларга, аҳолига жиноят иши учун аҳамиятга молик маълумотлар ҳақида хабар қилишни, қидирилаётган шахслар ёки нарсалар турган жойни кўрсатишни сўраб мурожаат қилади.

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар терговчининг илтимосига кўра, айрим тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун ўз ораларидан холислар, таржимонлар, мутахассисларни тавсия қилишлари мумкин. Жамоатчилик вакиллари бўлмиш холисларга, таржимонларга, мутахассисларга нисбатан ушбу Кодекснинг тегишли процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қоидалари тўлиқ татбиқ этилади”.

Шунда мазкур моддасининг иккинчи қисми тўртинчи қисм деб эътироф этилади ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини 21-моддасинининг матни қуйидаги кўринишни олади:

5. Холислар иштирокининг сифатини тақомилаштириш учун қонун нормаларини қайта кўриб чиқиш хусусида таклиф берилиши керак. Буни икки йўналишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Биринчиси холисларнинг жараёни дикқат билан кузатиш мажбуриятини белгилаш даркор. Шу мақсадда холисларнинг мажбуриятларини назарда тутувчи Жиноят-процессуал кодексининг 74-моддасининг иккинчи қисмига *"суриштирувчи, терговчи, прокурор ва тергов ҳаракатини бажараётган ошқа шахснинг ҳаракатларини синчковлик билан кузатиш"* деган сўзлар киритилиши керак.

6. Жиноят-процессуал кодекснинг 80-моддасига қуйидаги янги иккинчи қисм киритилиши керак: *"Холислар иштирок этаётган ҳолатларда, уларни рад қилиш тўғрисида манфаатдор шахслар ёки процессуал ҳаракатда иштирок этаётган бошқа шахслар ҳам арз қилдишлари мумкин. Бундай арзлар дарҳол кўриб ҳал қилинади."*

6. Жиноят-процессуал кодексининг 42-моддасининг биринчи қисмига қўшимча сифатида *"Жамоат бирлашмаси ва жамоалар судда тарафларнинг мунозараси бошлангунга қадар вакилини ва вакил эгаллаётган тарафни*

ўзгартириши мумкин. Жамоат бирлашмаси ёки жамоадан бир вақтнинг ўзида ҳам жамоат айбловчиси ҳам жамоат ҳимоячиси юборилишига йўл қўйилмайди” киритилсин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсагасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., "Ўзбекистон". 1998. 345 б
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т-11,-Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
1. Исмоилов Б.И. Жиноят процессининг айрим принциплари.З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: “Фан ва технология”, 2007. Б.110.
2. Ишметов А. Суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш — давр талаби. «Давлат ва жамиятнинг демократик янгиланиш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб муаммолари» Илмий —амалий конференция материаллари. Т., 2002, 2-6 —бетлар.
3. Жиноят процесси (Умумий қисм) / Г.П. Саркисянц, Е.Н. Никифорова ва б.; З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. - Т.: Янги аср авлоди 2002. - 384
4. Жиноят процесси (Махсус қисм) / Б. Б. Ҳидоятлов, З. Ф. Иноғомжонова ва б.; З.Ф. Иноғомжонова умумий таҳрири остида - Т.:ТДЮИ, 2003. - 380 б.
5. Жиноят процесси (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида). – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. 596 бет
6. Жиноят процесси: (Махсус қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида). – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 382 бет
7. Калугин А.Понятой в уголовном процессе // Следователь 1999 М 3-5-бетлар.
8. Миралиев Б. "Одил судлов ва жамоатчилик" Т. "Ўзбекистон" 1983 йил.
9. Митрохин Н.П. Законность и демократизм предварительного следствия. –Минск: Высшая школа, 1989. –Б. 174.

10. Мутиновский А. Участие народных заседателей в уголовном судопроизводстве ПНР, Москва, 1978, Б. 240.
11. Научно-практический комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу РСФСР. Изд. 3-е, Перераб. и доп. –М.: Спарк, 2000. Б. 575.
12. Немитина М.В. Российский суд присяжных. -М.: БЕК, 1995. - Б.126.
13. Романов С.В. Понятие, система и взаимодействие процессуальных функций в российском уголовном процессе. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. Москва, 2007. 24-б.
14. Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Правоохранительные органы. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.351.
15. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм). –Т.: ИЛМ-ЗИҶО, 2005. – Б.142
16. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: Учебник для вузов / Под общ. ред. А. В. Смирнова. 2-е изд. -СПб.: Питер, 2005. –Б. 597.
17. Строгович М.С. Курс уголовного процесса. –М.: Наука, 1958. –Б. 317
18. Томин В.М. Избранные труды. –СПб., «Юридический центр Пресс», 2004. Б. 563.
19. Тухташева У.А. Кассация тартибида иш юритиш. Суд қарорларини қонунийлигини, асослигини ва адолатлигини текшириш (чизмаларда). - Т.: ТДЮИ, 2005. -108 б.
20. Тухташева У.А. Жиноят процессида апелляция. - Т.: ТДЮИ. 2004. -78 б.
21. Тўлаганова. Г.З. Жиноят процессида шахсий ҳуқуқларни чеклаш мезонлари. Монография / проф. Ғ.А. Абдумажидов таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2007. -243 б.
22. Тўлаганова Гулчехра. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари. - Т.: Адолат, 2005. - 192 б.
23. Хидоятлов Б.Б., Рахманова С.М. , Тухташева У.А. Проблемы теории доказательств. -Т.: ТГЮИ, 2007..

24.Хитрова О.В Содержания деятельности понятых в уголовном процессе. Аактуальные проблемы расследования преступлений : Труды Академии МВД РФ М 1995 135-137-бетлар.

25.Ўзбекистонда суд ҳокимияти: Ислоҳотлар даври. А.А. Полвон — зода, Г.А. Абдумажидов ва бошқ.-Т. «Адолат», 2002, 157-бет